




ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ



ФИЛОЛОГИЯ ВА ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика миқёсидаги илмий-амалий
конференция материаллари тўплами

2021 йил 21-22 май

ЖИЗЗАХ 2021

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ**

**ФИЛОЛОГИЯ ВА ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ
ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция
материаллари тўплами
(2021 йил 21 – 22 май)*

ЖИЗЗАХ-2021

туркий халқларнинг Россия тарафидан ишғол қилиниши натижасида русча сўзлар ва шу орқали бегона сўзлар кўпайиб кетди.³

Бундай даврлаштиришларни яна анчасини келтириш мумкин. Бу даврларни, тарихни ўрганиш ўз келиб чиқишимизни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тили тарихини даврлаштириш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. №5. 39-47-бетлар.
2. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков, М., 1969, С.24-25.
3. Türk Diline Kısa Bir Bakış. S.50.
4. www.google.com.tr

Ж.КИТС ВА Э.БРОНТЕ ШЕЪРЛАРИДА ШАХС СИФАТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ФИТОНИМЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

Джалилова Зарнигор Баҳодировна
БухДУ Инглиз адабиёти ва стилистика
кафедраси ўқитувчиси, afifa88@mail.ru

Аннотация: Фитонимлар ономастиканинг бир қисми бўлиб, ўсимлик номларини ифодалайди. Ушбу иш Ж.Китснинг “La Belle Dame Sans, Merci” ва Э.Бронтеннинг “Love and Friendship” шеърларида инсон хусусияти ва ҳисларини ифодалашда қўлланилган ўсимликларнинг таржимада берилишига бағишланган.

Калим сўз: фитоним, нилуфар, лола, атиргул.

Жон Китснинг **LA BELLE DAME SANS, MERCI** номли шеъри Элбек Эркин томонидан таржима қилинган бўлиб, унда куйидаги мисралар учрайди:[4]

| Аслият | Таржимси |
|--|---|
| I see a lily on thy brow, With anguish moist and fever-dew, And on thy cheeks a fading rose Fast withereth too. | Қабоғингда очилган лола Кўз ёш тўқар инграниб хаста. Ёноғингда сўлган атиргул Қовжирайди бир пасда |

Шеър мазмунига диққат қилинса, унда ёрнинг пешонаси оппоқ нилуфарга (лилия гулига) ўхшатилади. Халқ орасида ҳам “Пешонанг оқ бўлсин” деган олқиш воситасида инсонга бахт-саодат тилаш истаги ифода этиладики, шу маънода шоир ҳам бевосита оқ тусда очиладиган нилуфар гулини бу ўринда восита қилиб манашунга яқин маънони ифода этишни кўзда тутган. Лекин шу шеърнинг Элбек Эркин таржимасида, биринчидан пешона (манглай) саматизми ўрнида ковок саматизмини қўллаган. Иккинчидан, нилуфар фитоними ўрнида ҳам лола фитоними ишлатилган. Натижада лоларанг ковок ҳақидаги ифодаси пайдо бўлган. Бу билан шеърда қизарган ковок тасвирини бериш кўзда тутилган. Лола гули қизил тусда бўлиши ва унинг япроғи инсон қовоғи (кўзнинг тепа қисми) кўринишида бўлиши лоланинг худди шундай шаклдаги япроғини эса солади. Шу ўхшашлик бундай маъно кўчимига замин яратган. Қизарган ковок эса инсоннинг йиғлаб, рухий изтироб чекканлигини англатади. Демак, бадиий ижодда инсон рухий ҳолатлари натижалари фитонимлар воситасида акслантирилиши мумкин экан.

Маълумки, ҳаётда аёлларнинг кўз қовоқларини турфа рангларга бўяб юриш маданий ҳолати кузатилади. Бундай бўёқ номлари умумий ҳолатда “Тень” деб юритилади, ундан фойдаланиш ҳолати эса “тень сурмоқ” деб юритилади. Тень ўзига хос пардоз бўёғи бўлиб, у гуллар каби турфа ранглардадир. Улардан аёллар одатда ўз кайфиятига қараб фойдаланишади. Тен. Ўзбек шоири Фурқатнинг Озарбайжон шоири Фузулий таъсирида ёзган “Келинчак” шеърда аёллар фойдаланадиган бўёқларнинг гулларга тенглаштирилиши ёрқин ифодасини топган. Масалан, шу ғазалда “Қўллар хинодин лоларанг” мисраси фикримиз далили бўла олади.

Юқорида таҳлилга тортилаётган шеърдаги “And on thy cheeks a fading rose Fast withereth too.” мисралари ҳам алоҳида эътиборни тортади. Бу мисранинг яратилишига сабаб бўлган белги (семиотик ишора) аслида “Пешонангда нилуфар кўрдим, азобланган нам шабнам билан” мисрасида намоён бўлади. Негаки, ёрнинг нилуфар гулидай оппоқ пешонасида нам шабнамдек ярқираб турган реза-тер унинг баданидаги дарддан дарак беради. Бу дарддан эса унинг ёноқлари ички тафт билан ёниб қизариб турибди. Яни, мақолларда таъкидланганидек “Дардни яширса, иситмаси ошкор қилур”. Шу иситма сабаб атиргул каби тан ҳам сўлгинлиги таъкидланаётир. Яна тандаги иситмали дард унинг қовжирашига ҳам сабаб бўлаётир. Бу билан муаллиф аёлларнинг ўз қалбидаги ишқни ошкор этишда эркакларга нисбатан ўзини эркин тутолмаслигига ишора қилиш учун гул образларини восита қилган. Азалдан инсонлар ўз муҳаббат туйғуларини изҳор этишда гуллардан кенг фойдаланиб келишган. Ҳатто ўзбеклар орасида никоҳ тўйларида “Қиз

гаштак” удуми жараёнида қиз ва йигитларнинг бир-бирига гул бериш орқали айтишуви одати ҳозиргача айрим худудларда сақланиб келаяпти. Ҳатто халқ орасида “Гул бердим- кўнгил бердим” ибораси кенг тарқалган. Умуман, дунё халқлари орасида ҳам куёвнинг келинга гул бериши (севги изҳори маъносида), туғулган кунларда, байрамларда, тадбирларда инсонларнинг инсонларга ўз хурмати ва муҳаббатини изҳор этиш, бирор ютуғи билан кутлаш маъноларида муҳаббатини гул воситасида ифода этиши кенг тарқалган. Шу маънода қаралса, Эмили Бронтенинг “Love and Friendship” (“Муҳаббат ва дўстлик”) шеърисида муҳаббат бу гул дейилиши бежиз эмас. Шеърнинг *Қандилат Юсупова* таржимасидан шу маънони уқиш мумкин бўлсада, аммо унинг аслиятида сал бошқача маъно намоён этилган.[3] Жумладан, муҳаббат туйғуси аниқ бир гул номи- ёввойи атиргулга тенглаштирилган. Таржимада эса унинг умумий ҳолатда гулга қиёслангани кўринади. Бу гулнинг қанақа гуллиги номланмаган.

| Аслият | Таржимаси |
|---|--|
| <p>Love is like the wild rose-briar, Friendship like the holly-tree— The holly is dark when the rose- briar blooms But which will bloom most constantly? The wild rose-briar is sweet in spring, Its summer blossoms scent the air; Yet wait till winter comes again And who will call the wild-briar fair?</p> | <p>Муҳаббат бу – энг чиройли гул, Дўстлик эса кадрдон дарахт. Суйганим шу кизил атиргул, Суянганим бўлса сарбаланд. Кўклам чоғи очилган гулим, Ёзда бўлгай яна-да сўлим. Лек қаҳратон чоғида мени Ташлаб кетмайсанми, севгилим?</p> |

Бронте муҳаббат туйғусини ёввойи атиргулга қиёсларкан, худди атиргулнинг тиканлари каби севги муносабатларининг ҳам ўзига хос қийинчиликлари, изтироблари мавжудлигига ишора қилади. Атиргул баҳорда барг очиб ёзда янада кўркам гуллаб атрофни ўзининг хушбўй ифори билан тўйинтиради. Аммо, қишнинг совуқ кунлари келиши биланок атиргул садокатидан асар ҳам қолмайди. Ушбу мисралар орқали Э.Бронте муҳаббат туйғусининг ўткинчилигини таъкидлайди. Ундан фарқли ўларок, дарахтга қиёсланган дўстлик абадий ва муқим эканлиги тасвирланади. Дарахт худди вақт ўтиши билан тобланган дўстлик каби ҳар қандай фаслнинг

шароитларига кўникиб униб бораркан, илдизлари мустаҳкамланиб баландроқ унади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар иккала шоир ўсимликлардан инсон ташқи кўриниши ва ҳис-туйғуларини бадиий образлантиришда унумли фойдалинишган. Уларнинг бу борадаги поэтик маҳоратини таржимонлар ҳам имкон қадар кўрсата олган.

Адабиётлар рўйхати

1. Gittings R. Selected Poems and Letters. —London: St Ives plc, 1996—301p.
2. <https://poemanalysis.com/emily-bronte/love-and-friendship/>
3. <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/ingliz-sheriyati/emili-bronte/>
4. <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/ingliz-sheriyati/jon-kits/>

OBRAZLILIK. RAMZIY OBRAZLARNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI

Ergashev Alimardon JDPI o'qituvchisi
Boliqulov O'ktam JDPI talabasi

Аннотация: *Maqolada o'zbek adabiyotida obrazlilik, ramziy obraz, ko'chim, unung turlari, majoz, uning xususiyatlari ilmiy-nazariy jihatdan tahlil qilingan.*

Калит со'злар: *Hikoya, obraz, obrazlilik, ko'chim, ramz, majoz, majoziylik, ramziylik.*

Annotation: *The article provides a scientific and theoretical analysis of figurative, symbolic image, migration, its types, metaphors, and its features in Uzbek literature.*

Keywords: *Story, image, imagery, movement, symbolism, metaphor, metaphor, symbolism.*

Аннотация: *В статье дается научно-теоретический анализ образного, символического образа, переселения, его типов, метафоры, его структуры в узбекской литературе.*

Ключевые слова: *Рассказ, образ, образность, движение, символика, метафора, метафора, символика.*

Badiiy tilning eng muhim xususiyatlari sifatida obrazlilik va emotsionallikdir. Badiiy asarda tasvirlanayotgan narsani jonli tasvirlash, his-tuyg'u va kechinmalarni yorqin ifodalashga xizmat qiluvchi vositalarni umumlashtirish "badiiy tasvir va ifoda vositalari" deb ataladi. Badiiy tasvir va ifoda vositalari

МУНДАРИЖА

| | | |
|----|--|----|
| | СЎЗ БОШИ | 3 |
| | 1-ШЎЪБА. ТИЛШУНОСЛИК, АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ | |
| 1 | ЖАЛОЛОВ Ж. Шахс ҳаётининг, таълимий, илмий фаолиятида тил/нутқ..... | 5 |
| 2 | DJUMABAeva J. Some issues of comparative analysis of proverbs with number components in Uzbek and English..... | 9 |
| 3 | НУРМАНОВ А.Т. О действующим учебниках по русскому языку для школ с узбекским и другими языками обучения..... | 13 |
| 4 | ҚАРИШИБАЕВА У. Француз романтизмнинг шакилланишига Виктор Гюго ижодининг таъсири..... | 23 |
| 5 | МИРОНОВА Г.С. Пьесы-сказки Е. Л. Шварца «Тень» и «Дракон» как антиутопии..... | 27 |
| 6 | АЛЕКСАХИНА А.С. Анализ используемых способов перевода сокращений в текстах военно-публицистического стиля речи с русского на английский язык..... | 33 |
| 7 | ЕФИМОВА С. Ю. Функционирование фразеологических единиц в языке средств массовой информации как культурологическое явление..... | 39 |
| 8 | ЗЮЗЮКИНА А.А. Критическая проза поэта («Книги отражений» И.Ф.Анненского)..... | 42 |
| 9 | КОРАБЛЕВА Е.А. К вопросу о синтаксических особенностях современной английской художественной литературы..... | 45 |
| 10 | БРОНЗОВА Л.И. Антитеза и языковые формы его выражения в английском языке..... | 48 |
| 11 | АТАБАЕВА Н.С. Туркий тилларни даврлаштириш масалалари..... | 51 |
| 12 | ДЖАЛИЛОВА З. Ж.Китс ва Э.Бронте шеърларида шахс сифатларини ифодаловчи фитонимларнинг ўзбекча таржимада берилиши..... | 54 |
| 13 | ERGASHEV A., BOLIQULOV O'. Obrazlilik. Ramziy obrazlarning ilmiy-nazariy asoslari..... | 57 |
| 14 | ESHMURADOV X., ABDUMALIKOVA V.L. O'zbek va fors tillarida unlilar tasnifi va ifodalanishi..... | 61 |
| 15 | ЭШОНКУЛОВА Н. Немис тилида айрим инглизча ўзлашма сўзларнинг қўлланилиш хусусиятлари..... | 64 |
| 16 | ХАДЖИМИТОВА Д. Деревни в творчестве И.А.Бунина..... | 68 |
| 17 | ҲАЙИТОВ Ҳ. Фолчи ёки ромчи – кулги асарлардаги ҳажвий кифолатлардан бири..... | 72 |
| 18 | ҲИММАТОВА Г. Қўчқор Норқобил насрида инсон руҳияти тасвири..... | 76 |